

---

Оммавий ахборот воситалари вакиллари пресс тур ва матбуот анжумани давомида Ўзбекистон туманидаги таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантиришга оид тадбирлар самарадорлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар

Жорий йил давомида Ўзбекистон туманидаги таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларини хабардор қилиш мақсадида навбатдаги пресс-тур ва матбуот анжумани ўтказилди.

Хусусан, пресс-тур иштирокчилари туманнинг “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 70-умумтаълим мактаби учун қуриб битказилган 330 ўринли янги ўқув биноси ва замонавий спорт зали билан танишди.

45 йиллик тарихга эга бўлган айни билим маскани дастлаб, собиқ давлат хўжалиги томонидан ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, ўтган давр мобайнида мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келган.

Давлат инвестиция дастури асосида 1 миллиард 600 миллион сўм маблағ эвазига мактаб учун 3 қаватли 300 ўринли янги ўқув биноси ҳамда 12х24 ҳажмдаги спорт зали бунёд этилиб, замонавий жиҳозланди.

Шу куни туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муслимбек Аҳмедов иштирокида матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

Туман ҳокимининг ўринбосари жорий йил давомида “Ташаббусли бюджет”, Инвестиция ва бошқа манзилли дастурлар доирасида капитал реконструкция қилиниб, янгидан бунёд этилаётган таълим муассасалари ҳамда айни тадбирлар самарадорлиги ҳақидаги ОАВ вакилларининг саволларига батафсил жавоб берди.













2024-12-19 19:35:06